



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (13.899)

Баҳоси эркин нарҳда

## БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КЕЛИШУВ ВА БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Куролли Кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тadbирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, аънаванавий ва муқобил энергетика, замонавий инфраструктурани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон до-

ирларни мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган "Йўл харитаси"ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида "Навоий" қуруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тadbир-

корлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, "Масдар" компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очди.

Давлатимиз раҳбари "Йўл харитаси"да белгиланган тadbирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш ва вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## ҚУРИЛИШ САНОАТИДА ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Жорий йилнинг 3-5 апрель кунлари "Ditax" саноат савдо-кўргазма бизнес марказида "UzbekBuild" ўзбек-турк қурилиш кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда мазкур кўргазма ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири ўринбосари Эркин Искандаров, Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Меҳмет Сурейя Эр ва бошқалар икки давлат ўртасида барча соҳалар қатори қурилиш саноати ривожига ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамлашиб бораётгани юртимиз шаҳарсозлик соҳасининг юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада мамлакатимиз қурилиш корхоналари қаторида Туркиянинг қурилиш индустриясидаги 40 дан ортиқ етакчи компанияси иштирок этади.

Эътиборли жиҳати, кўргазма ишчи вазирида, яъни саноат ҳудудидида ташкил этилмоқда, – деди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. – Кўргазмада бетон, асфальт заводлари, кўтарма кранлар, экскаваторлар, грейдерлар, юклаш машиналари, майдаловчи-сараловчи ускуналар, брусчатка ва сплитер блоклар ишлаб чиқарувчи ускуналар, махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмлари, бетоннасослар, бетон араштирувчи транспорт воситалари намойиш этилади. Бундан ташқари, қурилиш бўёқлари, металлга ишлов бериш қурилмалари, электр ёритгич жиҳозлари ва ускуналари, ёритгич устунлари, иситиш тизими, совутиш ва ҳаво айлантириш тизими, кранлар, йўл тўсиқлари, юк ва йўловчи кўтаргичлари, ишлов бериш учун декоратив материаллар, меъморчилик ечимлари, ландшафт дизайни ва кўкаламзорлаштириш воситаларининг тақдим этилиши ҳам иштирокчиларга манзур бўлади, деб ўйлайман.

– Бизнинг компаниямиз шу вақтга қадар дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида турли йўналишларда кўргазмалар ташкил этган, – деди Туркиянинг "Bosphorus Expo" компанияси раҳбари Утку Бенгису. – Қурилиш махсулотларига ихтисослашган бу кўргазмани юртингизда биринчи бор ташкил этишда ҳамкорлик қилмоқдамиз. Кўргазмага Туркиянинг соҳа бўйича энг нуфузли компанияларини жалб этганимиз. Мақсадимиз нафақат пойтахтингиз, балки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Кўргазма доирасида ўзбек-турк қурилиш бизнес форуми ва учрашувлар ҳам уюштирилади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 10 август куни пойтахтимиз туманларидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш чоғида кўп тармоқли "Оқлон" технология паркинги барпо этиш вазифасини қўйган эди.**

### Ислохотлар оқимида

## ПОЙТАХТДА ЯНГИ ТЕХНОПАРК ОЧИЛДИ

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 7 ноябрда "Кўп тармоқли "Оқлон" технология паркинги ташкил этиш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Бундан асосий мақсад шаҳримизга инвестицияларни фаол жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, янги рақобатбардошли ишлаб чиқаришларни ва технология паркларини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг алоҳида ҳудудларда жамланганини таъминлаш, шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Қарор асосида Шайхонтоҳур туманидаги 1,8 гектарлик ҳудуд "Ўзсаноат-қурилишбанк" АТБнинг инвестиция компанияси – "PSBCapital" МЧЖга кўп

тармоқли "Оқлон" технология паркинги бунёд этиш учун ажратиб берилди. Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "PSBCapital" компаниясига истисно тариқасида технопарк ҳудудида объектларни белгиланган шаҳарсозлик меъёрлари ва қондаларига риоя этган ҳолда бир вақтда лойиҳалаштириш шартларида қуришга рухсат берилди.

Бугунги кунга келиб кўп тармоқли "Оқлон" технопарки мажмуасида қатор йирик корхоналар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаш арафасида турибди. Аниқроқ қилиб айтганда бўлсак, технопарк тўртта блокдан иборат бўлиб, ундан учта корхона ўрин олган. Уларда рангли металлдан турли турман махсулотлар, санитар-гигиеник махсулотлар ҳамда коптоқлар иш-

лаб чиқарилади. Ҳозирда корхоналарни жиҳозлаш учун барча керакли асбоб-анжомлар олиб келиб ўрнатилган ва базиларини ўрнатилиш ишлари олиб боришмоқда. Бунга мисол сифатида турли хилдаги коптоқларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Overbridge" корхонасини келтиришимиз мумкин. Умумий қиймати 45,0 млрд. сўм бўлган ушбу лойиҳа учун ташаббускор маблағларидан ташқари хорижий инвестициялар ҳамда банк кредит маблағлари ҳам жалб қилинди. Янги корхонанинг вужудга келиши натижасида 550 нафар ишчи доимий иш билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, кўп тармоқли "Оқлон" технопаркида иш бошлаётган корхоналар учун жами 110,0 млрд. сўмга тенг сармоялар йўналтирилган.

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЭКСПЕРТЛАРИ ИШТИРОКИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР

**Шу кунларда мамлакатимизда Халқаро валюта жамғармаси экспертларидан иборат делегация меҳмон бўлиб турибди.**

Жамғарма экспертлари Ўзбекистонда бюджет-солиқ соҳасида шаффофликни таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда қатнашиш билан бирга ёш мутахассисларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Тошкентда 1 апрель куни "Бюджет-солиқ соҳасида шаффофлик ва давлат молиявий статистикаси" мавзусида бўлиб ўтган амалий семинарда Халқаро валюта жамғармаси экспертлари – Марко Конгиано ва Ирина Дубинина Ўзбекистон Банк-молия академияси тингловчиларини давлат маблағларини бошқариш бўйича халқаро тажрибалар билан таништирди.

Қайд этилганидек, жаҳон тажрибасида фискаль сиёсат мақсадлари макроиқтисодий барқарорлик, чекланган молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, иқтисодиётда ресурсларни қайта тақсимлаш кабиларни ўз ичига олади. Давлат фискаль сиёсати хусусий сектор улуши бўлмаган хизматлар, товарларни тақдим этиш, бюджетдан ташқари субъектлар ва амалиётлар, давлат корхоналари, давлат ху-

сусий-шериклиги орқали шакллантириб борилади. Семинарда бюджет соҳасида шаффофликни таъминлаш, давлат молиявий бошқарувини такомиллаштириш ҳамда давлат молиявий статистикасида бюджетдан ташқари ҳисоб-рақамлар маблағларини аниқ эътиришга тааллуқли бўлган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

– Қўллаб-ривожланган давлатлар молия соҳасида пухта ислохотларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиёт учун зарур шароит яратган, – дейди Марко Конгиано. – Ўзбекистонда ҳам бугун шундай жараён кузатишмоқда. Хусусан, мамлакатда инфляция даражасини пасайтириш ва инфляцияон таргетлаш режимида ўтиш учун асос яратиш, пул-кредит сиёсати инструментлари ва трансмиссион механизмларни ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш билан бирга давлат бюджет-солиқ соҳасида шаффофликни таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Тadbир якунида мавзу юзасидан савол-жавоблар бўлди. (ЎЗА)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона марказида 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали матбуот маркази иш бошлади. Ушбу нуфузли тadbирини кенг ёритиш учун дунёнинг 20 давлатидан 30 га яқин хорижлик журналист ва юртимиздаги кўплаб оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

• Самарқанд давлат тиббиёт институтида "Юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз, шунингдек, Буюк Британия, Дания, Россия давлатларидан келган олимлар, шифокорлар иштирок этмоқда.

• Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида янги барпо этилган 39-мактабга таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, 100 ўринга мўлжалланган мактабга таълим муассасасини "Art Soft Tex Group" МЧЖ ўз маблағи ҳисобидан реконструкция қилиб, жиҳозлаб, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига топширди.

• Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасида бўш иш ўринларига ёш мутахассисларни жалб этишга қаратилган меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 27 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома тузилди. Шунингдек, ёшлар меҳнат муҳофазасига оид амалдаги қонунчилик ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.

### ЖАҲОНДА

• Европа парламенти бир марталик пластик идишлардан фойдаланишни таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди.

• АҚШнинг Сизтл шаҳрида бўлиб ўтган отишма чоғида икки киши ҳалок бўлди. Ушбу қабихликни амалга оширган жиноятчи оғир жараҳат олган ҳолда ушланди. Ҳозирда унинг шахси ва жиноят сабаблари аниқланмоқда.

• Франциянинг Bugatti автомобилсозлик компанияси ўзининг 110 йиллик юбилейига дунёдаги энг қимматбаҳо автомобиль – La Voiture Noire моделининг тақдимотини ўтказди. Гиперкарнинг нархи 11 миллион евродан иборат бўлиб, у ягона нусхада ишлаб чиқарилган ва ўз харидорини ҳам топишга улгурди. Автомобиль эгасининг номи ошкор қилинмаган. Ушбу ноёб машина саккиз литрли, ўн олти цилиндрли двигател билан жиҳозланган. Унинг қуввати 1500 та от кучини ташкил қилади, соатига 100 километр тезликка икки сониядан сал кўпроқ вақт давомида эришади.

## ҚИСКА САТРАПДА

• Пойтахтимиздаги "Tashkent Palace" меҳмонхонасида 1-2 апрель кунлари "Ўзбекистонда нон ва қандолат махсулотлари бозорини ривожлантириш" мавзусида биринчи халқаро бизнес форуми ташкил этилди.

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Беларуссиянинг Soft Club компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

• Жисмоний тарбия ва спорт университетидида иккита қўшма факультет очилди.

• Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, туризмни ривожлантириш мақсадида Чимкент – Тошкент йўналиши бўйича ҳаваскор велосипедчилар ўртасида веломарафон мусобақаси ўтказилди.

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Тақдирнинг мураккаб йўлларида инсон турли қалтис вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Бундай шароитда унга маънавий-руҳий кўмак кўрсатиш, жамиятга мослашувига ёрдамлашиш жараёни қандай кечади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган халқаро анжуманда бир қарашда ушбу тузилма зиммасига кирмайдигандек туюладиган масалалар ҳусусида сўз юритилган бўлса-да, бироқ барча жараёнлар, шу жумладан, жиноятчилик, турли хавфли ҳасталикларнинг олдини олиш бевосита хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳит билан ҳамбарчас боғлиқлигини англаш мушкул эмас.

Германия халқ университетлари ассоциациясининг мамлакатимиздаги филиали ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган "Ижтимоий шериклик: муаммо ва истикболлар" мавзусидаги мазкур анжуманга фаолияти

ёшлар, хотин-қизлар билан боғлиқ жамоат тузилмалари, ҳуқуқшунослар, психологлар, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари тегишли комиссияларнинг вакиллари, экспертлар, тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директорининг ўринбосари Д.Каримова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев ва бошқалар мамлакатимизда оила, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни аниқ, манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш масалалари Президентимиз томонидан жамият ҳаётида олиб борилаётган туб ислохотларда устувор ўрин эгаллаётганини таъкидлади.

– Ташки муҳитга таъсирчан оила борки, у ҳамisha ижтимоий кўмакка муҳтож, – дейди Германия халқ университетлари ассоциациясининг юртимиздаги филиали раҳбари Татьяна Заиченко. – Оилаларга ижтимоий ёрдамлашишда бизнинг ташкилот қандайдир маслаҳат ёки методик кўмак эмас, балки техник, молиявий қўллаб-қувватлаш орқали қалтис вазиятда қолган хонадонлар билан иш олиб боради. Бу жазони ижро этиш муассасаларидан келган аёлларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига ёрдамлашиш, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар учун ижтимоий, ҳуқуқий, АКТ, репродуктив саломатликка оид махсус курслар ташкил этиш каби бир қатор лойиҳаларни ўз ичига қамрайди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

"Ҳаракатлар стратегияси, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури ижросида ННТлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади.

– ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларни, ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам қўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга кўмаклашиш;

– жазони ўтлаш жойларидан озод қилинган, авф этилган шахсларни, муқим турар жойига эга бўлмаган шахсларни жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитациясига қаратилган дастурларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

– аҳолининг энг аввало кўмакка муҳтож хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари билан ҳамкорликда қўшма иш режаларни ҳаётга татбиқ этиш;

– маҳаллаларда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир қўрсатувчи ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳворлик, эрта никоҳнинг олдини олишда давлат органлари билан ижтимоий шерикликини қучайтириш;

– аҳолини, айниқса ёшларни гиёҳворлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликини қучайтириш;

– нотинч ва ноқобил оилалар билан ишлаш, оилада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир қўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш;

– маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, муросасизлик муҳитини шаклланишига кўмаклашиш, ижтимоий шериклик асосида обод ва хавфсиз маҳаллани ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролни қучайтириш;

– Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатишга, Орол бўйи худудларида экологик вазиятни тиклашга ва соғломлаштиришга кўмаклашиш;

– ноқонуний меҳнат миграциясидан, мажбурий меҳнат ва камситишлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, тизимли профилактик тарғибот-ташвиқот ва реабилитация қилиш;

– аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида худудларда ижтимоий ва маийши инфратузилмани яратишга, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга кўмаклашиш;

– давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш;

– ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш борасидаги ижтимоий шерикликини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

– "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш жараёнини, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликларни, ислохотларнинг аниқ натижаларини, электрон ва босма ОАВ кенг ёритишини қўллаб-қувватлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўққинлик қилаётган муаммоларни тизимли тahlil қилишга, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни халқаро рейтингларни тузувчиларга етказишга кўмаклашиш;

– давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашилари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини рўйбга чиқарилишини таъминлаш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2019 йил 28 мартдан 30 апрелгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди" номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-уй манзилига "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Хабарлар

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Раҳманкулов расилгида Миробод туманида "Аҳолининг муурожаатлари билан ишлаш, уларни кийнаб келаятган муаммоларни қисқа вақт ичида бартараф этиш чоралари" юзасидан сайёр қабул бўлиб ўтди.

Сайёр қабулда жами 20 та муурожаат келиб тушган. Улардан 3 та кўп қаватли уй-йўлларнинг лифт мосла-

маси, 4 та ичимлик ва оқова суви тармоғи, газ таъминоти масаласи 2 та иссиқ сув тармоғи, 3 та ободонлаштириш ва кўкчалмзорлаштириш, 4 та ХУЖМШ фаолияти ва 3 та иссиқлик энергиясида юзага келган муаммолар мавжудлиги аниқланиб, қабул жараёнида ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, муурожаатларнинг 9 таси жойида ҳал этилиб, қаноатлантирилди, 6 таси кўриб чиқилиб, қун яку-

нига қадар ҳал этилиб, қаноатлантирилди ва 5 та муурожаат юзасидан қўшимча ўрганиш талаб этилганлиги туфайли тегишли қўрсатмалар берилди.

Маълумот учун, Тошкент шаҳар ҳокимининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ўринбосари Б.Раҳманкулов томонидан навбатдаги қабул жорий йилнинг 25 апрель куни Мирзо Улуғбек туманида ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Чилонзор туманида мавжуд бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари хатловдан ўтказилди. Уларнинг мулкдорлари билан биргаликда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ташкил этиш ва янги иш жойлари яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари, тармок жадваллари ишлаб чиқилган.

Ушбу инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳозирда тадбиркорларга ҳар томонлама амалий ёрдамлар кўрсатилиб, уларни фаолиятларида юзага келаятган барча тўсиқлар ўз вақтида бартараф қилинмоқда.

Чилонзор туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган хатлов натижасида жами 415 та бўш бино ва қурилиши тугалланмаган объектлар аниқланган.

Мазкур объектларнинг 40 таси давлат улushi бўлган мулклар, 17 таси бўш ер майдони, 68 таси ҳашар йўли билан қурилган бино ва иншоотлар, яъни қадастр ҳужжати мавжуд бўлмагани, 290 таси бўш турган фойдаланилмаётган бинолардан иборат.

Олиб борилган ишлар натижасида кўра 90 та бино тадбиркорлар томонидан ишга туширилишига эришилди, 31 таси бўйича инвестиция лойиҳалари тузилди, 2 таси қайта рўйхатга кириб қолганлиги сабабли рўйхатдан чиқарилди, хатловда аниқланган 68 та ҳашар йўли билан қурилган қадастр ҳужжатлари мавжуд бўлмаган биноларнинг 37 таси тегишли ҳужжатлари мавжудлиги аниқланди, 7 таси туман ҳокимлигининг балансига ўтказилди ҳамда 24 таси ўзбошимчилик билан қуриб олинганлиги аниқланиб, бузиб ташлашга киритилди, 167 та солиқ идорасига умум-белгиланган солиқ тўловига ўтказиш учун юборилди.

Шунингдек, хатловда аниқланган 17 та тадбиркорларга тегишли бўлган қисман бўш бўлган ер майдони юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Чилонзор тумани, Катортал ва Мехр кўчалари кесиммасида "Max Shine" МЧЖга тегишли бўлган бўш турган биного 30 тилр, сўм миқдоридан инвестиция киритилиб, замонавий кўнгли очар ва савдо мажмуаси ташкил этилди ва натижада 40 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

"Great Belt" МЧЖ томонидан Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган бўш турган биноиншоотлар негизида замонавий МТМ ва умумтаълим мактаби қуриб битказилиб фойдаланишга топширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 2 млрд. сўмдан зиёд бўлиб, ҳозирда 120 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган "Осиё Асака модель" МЧЖга тегишли бўлган умумий майдони 3.316 кв. метр.ли бўш турган бино-иншоотлар

негизида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 4 млрд. сўмга тегишли бўлган пойаб-зал ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бунинг натижасида 50 та янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, "Ёшлар – келажакимиз" Давлат дастурини амалга оширилиши юзасидан тадбирлар давомида 552 та янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг 285 таси қорхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига яратилган.

Шунингдек, 4 нафар ёш фаолият кўрсатиши учун бино билан таъминланган.

Дастур ижроси доирасида Чилонзор туманида жойлашган "Хирмонтепа" маҳалласида "Ёшлар меҳнат гузарии" комплекси қуриб битказилиб, 2018 йилнинг 14 сентябрида фойдаланишга топширилди.

Мазкур комплекс 2 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қавати 7 та хонага бўлинган. Уларнинг 2 тасида сартарошхона, биттадан мини-маркет, қандолатхона, сайёҳлик хизмати, биттасида тикув хонаси ва болаларни мактабга тайёрлаш маркази жойлаштирилган.

Комплекснинг иккинчи қаватида тикув цехи ишга туширилиб, 60 нафар ёш иш билан таъминланган.

Комплексда 8 та ёш тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, жами 84 нафар ёш ҳамда маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги "Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда янги кичик саноат зоналари ташкил қилинган.

"Тошкент Агросервис" МЧЖ директори ўринбосари А.Мирзаев "EKONOVA ROAD" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбарлари томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳолда мавжуд ижара шартномаси бўйича юзага келган қардорлиқни тўлаш чоралари қўрилмаётганини норози бўлиб, ушбу масалада амалий ёрдам сўраган.

Аниқланишича, масъулияти чекланган жамият ва қўшма корхона ўртасида тузилган ижарага бериш ҳақидаги шартномаларга асосан жамиятга тегишли бино-иншоот қўшма корхонага ижарага берилган.

Бироқ, қўшма корхона томонидан қайд этилган шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида 2018 йил 25 май ҳолатига кўра қўшма корхонанинг жамият олдида 95 млн. сўмлик муддати ўтган қардорлик юзага келган.

"Тошкент Агросервис" МЧЖ манфаатларини қўлаб, "EKONOVA ROAD" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ҳисобидан мавжуд 95 млн. сўмлик муддати ўтган қардорлиқни ундириш юзасидан туман прокуратураси томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Туман прокуратураси томонидан қайд этилган йўналишда 2 та текширишлар ўтказилиб, натижаси бўйича ноқонуний қарорларни бекор қилиш юзасидан 14 та протест, 2 та тақдиминома, 1 нафар шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий ва 17 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланган.

Д.БАҲРОМОВ, Чилонзор туман прокурори ўринбосари, Б.ЭШБЕКОВ, Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси

300 МИНГ ДОНА ЛОЛА

Иссиқхона шароитида етиштирилган 300 минг тул лола бу йил шаҳарнинг барча марказий кўчаларига экилди.

Ҳозир эса улар қийос очилиб, шаҳаримиз кўрғига кўр бағишлаб, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларнинг кайфиятини кўтармоқда.

"ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ 21 КМ" ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

2019 йилнинг 7 апрель куни "Анхор-Локотив" маданият ва истироҳат боғида юртимизда навбатдаги мототурист мавсум очилишига бағишланган "Тошкент бўйлаб 21 км" хайрия акцияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

СОЛИҚ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида "Жисмоний шахслар жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва кўчмас мулк объектлари ижара шартномаларини солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тартиби" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда икки ёки ундан ортиқ манбалардан даромад олган жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари ҳақида декларация тақдим этиш тартиблари, мuddати ва солиқларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари, кўчмас мулк объектлари ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тартиби бўйича батафсил маълумот берилди.

Декларация бевосита жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига, почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклдаги ахборот тарзида ва Интернет тармоғи орқали тақдим этилиши мумкин.

Тадбирда таъкидланганидек, 315,4 минг нафар жисмоний шахс Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан 2018 йил учун декларация асосида солиқ солинадиган даромадга эга. Хусусан, мол-мулкни ижарага берган 223,4 минг нафар, ўриндошлик асосида ишлаган 77,1 минг нафар, ўн икки ой ичида бир мартадан ортиқ битим асосида турар жойларни сотган 7,9 минг нафар, яшаш учун мўлжалланмаган жойларни сотган 5,5 минг нафар ва ҳада шартномаси асосида даромад олган 1,5 минг нафар жисмоний шахслар жорий йилнинг 1 апрель кунига қадар декларация тақдим қилиши лозим. Жорий йилнинг ўтган даврида 315,4 минг нафар жисмоний шахснинг 272,6 минг нафаридан ёки 86,4 фоиз йиллик декларация олинган.

Жорий йилда қабул қилинган 272,6 минг та декларациянинг 1,5 мингта электрон шаклда ва 271,1 мингта давлат солиқ хиз-

мати органлари орқали тақдим қилинган. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги қарорига асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинган ва ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби ўрнатилганлиги юзасидан йиғилганларга ахборот берилди.

Эндиликда кўчмас мулкни ижарага бермоқчи бўлган жисмоний шахслар ижара шартномаларини Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтыдаги шахсий кабинет орқали ёки бевосита яшаш жойидаги давлат солиқ инспекцияларига борган ҳолда белгиланган шаклдаги сўровномани тақдим этиш орқали ҳисобга қўйиши мумкин.

Шартномани ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳеч қандай ҳақ олинмайди ва ижарага берувчи жисмоний шахс томонидан давлат солиқ хизмати органига кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича дастлабки декларацияни тақдим этиш талаб этилмади.

Давлат солиқ хизмати органларида жорий йилнинг ўтган даврида 52,7 мингта кўчмас мулк ижара шартномалари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 38,9 мингта жисмоний шахслар ўртасида, 13,7 мингта жисмоний ва юридик шахслар ўртасида мулкни ижарага бериш бўйича тузилган шартномалардир.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама кенг дунёқараш ва юксак тафаккурга эга бўлишига зорида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 250-мактабда ташкил этилган "Китоб – билим манбаи" шiori остида ўтказилган китобхонлик байрами ҳам юқоридаги қарорнинг мазмун-моҳиятини нафақат катта ёшдагилар балки келажак авлод орасида тарғиб қилишда муҳим омил саналади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусдан бири ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган, – дейди 250-умумтаълим мактабининг директори Махбуба Саломова. – Жорий йилнинг 19 март куни ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини маъмул ташкил этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари ҳар бир раҳбарни мактаб кутубхоналарига шахсий кутубхонасидан китоблар тўпламларини совға қилиш юзасидан кўрсатма берган эдилар. Ушбу хайрли ташаббусни мактабимизга биринчилардан бўлиб тарғиб қилган Ўзбекистон Респуб-



ликиси Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Ойбек Норинбаевга, Ўзбекистон халқ

“Ўзбегим” деб номланган кўшиқлар оқшларга сазовор бўлди.

**Маънавият**

**КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ**

шоири Худойберди Тўхтабоев ва Ҳаким Сатторийга ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчиларимиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Китобхонлик байрамига ташриф буюрган Ойбек Норинбаев ўз шахсий кутубхонасидан турли китоблари ва спорт анжомларини мактаб жамоасига совға қилди. Болажонларнинг сеvimли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ва ёзувчи Ҳаким Сатторийлар ҳам ёш кутубхоналарга бир қатор туркум китобларни туғфа эхди.

Тадбир доирасида янграган куй ва кўшиқлар байрам иштирокчиларига бирдай манзур бўлди. Айниқса маазкур мактабнинг 7-синф ўқувчиси Лазизбек Рустамов ихросидаги “Ўзбекистоним” ва

Байрам тадбирида “Билимлар беллашуви” кўрик-танловининг туман босқичида голиб бўлган ва фан олимпиадаларининг шаҳар босқичида совриндор бўлган ўқувчиларга китоблар жамланмаси совға этилди.

Дарҳақиқат, юртбошимиз томонидан ўртага ташланган бу ташаббус бевосита келажак авлод тақдирини билан боғлиқ, Инсон қанчалик кўп китоб ўқиса, маънавияти шунча юксалади, онгу тафаккури теранлашади, ақл ва идрок билан олға интилади.

Бинобарин китоб ёшларнинг маънавий олами юксалтириш, қалбида она Ватанга бўлган садоқатни кучайтириш, меҳру муҳаббат ва инсонийлик туйғуларининг янада ошиши, ўқиб излашни, ҳалол меҳнат қилиш ва энг асосийси ҳаётнинг қадрига етишга ўргатади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар Тимур Камиллов олган суратлар

**Маданият**

**ЭЪТИБОР ВА ЭҶТИРОМ**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ташаббуси билан юртимизда маънавий-маданий тадбирлар, кўнгличор дастурлар, анжуманлар, турли ижодий учрашувлар, кўрик-танловлар, фестиваль ва хотира кечалари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.**

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова тавалудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечаси ҳам бу борада олиб берилаётган ишларнинг яна бир тимиолидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев юртимизда миллий театр санъатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва кўп йиллар самарали меҳнат қилган устоз санъаткорларнинг хотирасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг маънавий бой ижодий меросини кенг тарғиб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Шаҳодат Раҳимова опера ва мусиқали драма жанрининг энг фидойи, халқ севган йирик намоёндаларидан бири эди. Ўз фаолиятини дастлаб 13 ёшида Андижон вилояти мусиқали драма театрида бошлаган ва жуда кўп спектаклларда бош ролни ижро этган. 1939 йилда биринчи ўзбек овозли “Қасам” номли бадиий фильмида бош қаҳрамон – Саодат образида эътиқодли, иродали, эрқарвар аёл тимиолини яратган. У ижро этган роллари ва Катта Фарғона каналининг қурилишидаги концертлардаги фаол иштироки учун 23 ёшида “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовор бўлди. 1939 йилда Муқимий номидаги мусиқали дра-

ма театрида фаолият юритади. Миллий опера санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган Шаҳодат опа Москва консерваториясида ҳам таҳсил олиб келади ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик Катта театрида яккахон хонанда бўлиб иш бошлади. У сўнгги йилларда Ўзбек давлат филармониясида яккахон хонанда сифатида ҳам фаолият олиб боради. Шаҳодат Раҳимова нафақат юртимиз ва жаҳон композиторлари опералари, арияларини балки миллийлигимизни тарғиб ва тараннум этувчи кўшиқларни ҳам маромига етказиб ижро этган. Унинг ихросидаги “Салламно”, “Қора кўзлар”, “Интизор”, “Дилором”, “Салом айлағач” каби кўшиқлар миллий фонотекамизнинг олтин хазинасидан муносиб жой олган.

– Онамининг хотира кечасида кўнглим тўлиб, кўзларимга ёш қуйилиб келаверди, – дейди Стахан Раҳимов. – Уларнинг хотирасига кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиромдан жуда ҳаяжонландим ва залда ҳам ўтира олмай чиқиб кетдим. Дунёда биздек санъатни қадрайдиган, севадиган халқ бўлмаса керак. Онам – Шаҳодатхоним Раҳимова хотирасига кўрсатилган эътибордан жуда ҳам миннатдор ва мамнунман.

Хотира кечасида Шаҳодат Раҳимова ижро этган ария ва кўшиқлардан тузилган концерт дастури намойиш этилди.

**Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг раvon кўчаларида машинада юрган киши роҳат қилади. Илгари ўнқир-чўнқир йўлларда машинада юрган кишининг, халқимиз ибораси билан айтганда “ўпка-жигари тушарди”. Бугун ўша йўллар ҳам раvon кўчаларга айланди.**

**РАВОН ЙЎЛАКЛАР ОРЗУСИ**

Кўчанин ажалмас бир қисми бўлган йўлакларга ҳам эътибор қаратилаётгани кишини қувонтиради. Бунга Алишер Навоий кўчасида бунёд этилаётган йўлаклар мисол бўла олади. Уларда арава ва велосипедда ҳаракатланадиган йўловчилар учун алоҳида йўлқалар қилинган. Фақат бу йўлакларга велосипед расми чизилгани кишини ажаблантиради. Наҳотки бу йўлқаларда болалар ва ногиронлар аравааси юриши мумкин эмас. Аслида, бу йўлқалар биринчи навбатда болалар ва ногиронлар аравааси учун бунёд этилган.

Ҳа, йўлаклар биринчи навбатда болалар ва ногиронлар аравааси юриши учун қулай бўлиши керак. Афсуски, пойтахтимиздаги барча йўлаклар шу талабга жавоб беради дея олмаимиз. Айрим ўнқир-чўнқир йўлакларда аравада юрган бола ва ногироннинг “ўпка-жигари тушади”. Баъзи кўчаларда эса умуман йўлак йўқ, Саовдо тармоқлари, машина ювиш шохобчаларини очган кишиллар йўлакларни ўзлаштиришган ёки йўлакларга туташ хонанда эгалари панжара билан ўраб, ҳолисига қўшишган. Ҳолбуки, йўлаклар кўчанин ажалмас қисми бўлиб, унга даҳл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қурилиш ишлари кетаётган вақтда ҳокимлик руҳсати билан пиёдаларга қулай йўлак яратилгандан кейингина йўлакларни вақтинча бекитиш мумкин.

Айрим кишилар томонидан ўзлаштирилган ёки бекитиб қўйилган йўлаклар масаласига қайтсак, ишончимиз экомил, уларнинг бундай ноқонуний йўл тутишига ҳеч бир ҳокимлик руҳсат бермагани аниқ. Фақат савол туғилади: Нега ҳокимликлар бундай йўлакларни йўлаклар ҳолига келтиришга ҳаракат қилишмаяпти? Наҳотки аравада кетаётган бола ёки ногирон йўлакларда бемалол ҳаракатланишга ҳаққи йўқ! Йўлаклар бекилган жойга келганда ногирон араваасидан тушиб, араваасини ариқдан машина йўлга ўтказиш чорасини қилиши керакми? Лекин бола аравадан тушган билан онасига кўмаклаша олмайдди. Бу тротуардан ҳомилдор аёллар, ҳасса тутган кексалар ҳам юришади.

Биз йўлакларимизда юқорида қайд этилган камчиликлар бор битта йўлакларни мисол келтирмақчимиз. Уйлаймизки, биз мисол келтирмаган бошқа туман ҳокимликлари “Бизда ҳам шундай ночор аҳволдаги йўлак бор эди. Нега бизнинг шу йўлакларимизни танқид қилмадингиз?” дея ранжисмайди. Аксинча, улар ўзлари билган ўша ночор аҳволдаги йўлакларни пиёдалар учун қулай бўлган йўлакларга айлантириш чора-тадбирларини қўришади.

Хуллас, Чилонзор туманидаги Сўғали ота кўчасидан Катта халқа йўлигача бўлган Заргарлик кўчаси йўлакларини мисол келтирмақчимиз. Кўчанин ўнг томонидаги йўлаклар 40-45 йил илгари қурилган вақтда асфальт қилинган. Йўлаклар ўнқир-чўнқир ҳолга келган, айрим жойларида қазий ишлари олиб бо-

рилган, лекин қайта асфальт ётқизилмаган. Бироз юрган, йўлакларни машина ювиш ва емакхона шохобчалари ўзлаштириганини кўрасиз. Саовдо шохобчалари ўзлаштирган қисмидаги камчиликларга кўз юмсангиз бўлади. Чунки Қовунчи кўчасидан ўтишингиз билан поликлиника ва қозғ қабул қилиш пункти бекитган йўлаклардан ўтолмай ҳайрон бўласиз. Тўғри, поликлиника пиёдалар учун йўлакча қурди, лекин бу йўлакча машина йўлга олиб чиқади, йўлакларга туташмайди. Ундай кейин ўнқир-чўнқир йўлаклар бошланади.

Энди кўчанин чап томонидаги йўлаклардан эришимиз. Бу томон ҳам қурилган вақтда асфальт қилинган. Бироз юрсангиз завод ўрнида қурилган саовдо шохобчаси йўлакларни текислаб, машиналар тирадиган жойга айлантириганини кўрасиз. Тўғри, кичик йўлак чизик билан пиёдалар учун ажратилган. Бу чизик ҳайдовчиларга тўсик бўлолмайди. Завод тугаши билан йўлакларни емакхона ва шу хондонларда яшайдиган аҳоли ҳовлига айлантиригани кўриб ҳайрон қоласиз. Уларга бу жойда йўлаклар бор эди десангиз, ишонини исташмайди. Лекин ҳокимлик мутасаддилари уларга бу жой йўлаклар эканлигини тушунтириша олишади.

Ковунчи кўчасидан Катта халқа йўлга ча илгари йўлакларнинг изи бор эди, энди умуман йўқ, аҳоли томонидан ўзлаштирилган. Пиёдалар қандай ҳаракатланади, дея сўрасангиз. Улар машина йўлда юришади. Кўчанин шу қисми текис бўлгани учун “шумакерлар” машинани “мин”га қўйиб ҳайдашади. Яъни, арзимас эҳтиётсизлик ҳам пиёдалар ҳаётига ҳавф солади.

Шу ўринда Заргарлик ва Қовунчи кўчалари кесилган жойда йўлчорқ қўйиш масаласига тўхталишимиз лозим. Йўлчорқ қўйиш пайсалга солиндан. Бу вақтда кўчадан мактабга ўтаётган ёки мактабдан қайтаётган бир қанча болани машина уриб кетди. Шундан кейингина йўлчорқ ўрнатилди. Савол туғилади: Заргарлик кўчаси машина йўлининг чап қисмида ҳаракатланаётган пиёдаларни машина уриб кетмаслигига ким қафолат бера олади? Шу боис кўчадаги йўлакларни тиклаш, таъмирлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу ишни бошлаш учун шу машина йўлда пиёдаларнинг ҳалокатини қуттиш соғлом ақлга зид ҳолатдир.

Йўлаклар шахримиз, кўчаларимиз, ҳаётимизнинг бир қисми. Бундан ташқари уларда биринчи навбатда аравада болалар ва ногиронлар, ҳомилдор аёллар, ҳасса тутган кексалар ҳаракатланишади. Уларнинг раvon йўлакларда ҳаракатланишини таъминлаш нафақат ҳокимлик мутасаддилари балки ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Асром МҶМИН,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**МАМЛАКАТИМИЗ ЮКСАЛИШИДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Пойтахтимиздаги Ёшлар марказида Вашингтон шаҳридаги Америка университетининг бир гуруҳ талабалари иштирокида “Ёшларнинг дипломатия ва халқаро муносабатлардаги ўрни” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, ўзбекистонлик кўнгилли ёшлар ҳамда олий таълим муассасалари талабалари қатнашди.**

Учрашувда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев “Мамлакат ривожланишида ёшларнинг ўрни” мавзусидаги тақдиротида кўнгиллилик ҳаракати ҳозир дунёда кенг тарқалаётган соҳалардан эканлигини таъкидлади. Шунингдек, бу мақом инсонларнинг муаммолари ечимига, уларнинг фаровон ҳаётига хизмат қилиши, эзгу ташаббус ва лойиҳаларни ўз моддий манфаатларисиз амалга оширилиши билан аҳамиятли эканлиги билан боғлиқ фикрларни билдирди.

– Бугун делегация аъзолари ўз лойиҳалари тақдимотини намойиш этди. Ўзбекистонлик кўнгиллилар ҳам туризм, таълим тизими ва инновацион лойиҳаларга қаратилган тақдиротлари билан фаоллик кўрсатди, – дейди “Youth Project Management” лойиҳа бошқарувчиси Муҳаббат Рустамова. – Тадбир якунида Америка талабалари ўзбекистонлик кўнгилли ёшларни Америкада бир қатор лойиҳаларда бирга ишлашга таклиф қилди.

Қатнашчилар Ўзбекистон ва АҚШдаги таълим тизими, глобаллашув жараёни, халқаро ёшлар ташкилоти ва жамиятда аёлларнинг ўрни, уларнинг етқачилик қобилияти, бандлиги, иқтисодий ривожланиш йўли каби масалаларда фикр-мулоҳазалар юритди.

Музокараларга бой бўлган жонли мулоқотдан сўнг мамлакатимиздаги дипломатия ва халқаро алоқаларда бўлган қизиқим янада ортди. Конференция якунида Ўзбекистонда кўнгиллилар даврасини кенгайтиришга доир таклифлар билдирилди, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Мўйдинжон Ёқубов. – Мен ҳам учрашув давомида ўз лойиҳамни тақдим этдим. Кўнгиллилар ҳаракатини қариялар ва ногиронлар уйида амалга оширишга қаратилган ташаббусимда ёшлар кўмагига муҳтож нурунийларга ихтиёрий равишда маданий дастурлар ташкил этиш, уларга чет тилларини ўқитишдир.

Узаро таъриба алмашинувида ёшлар халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ ва ҳуқуқий исбат, жаҳон тарихи ва маданияти бўйича чўқур билимга эга бўлиши лозимлиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари, ёшлар халқаро ҳамкорликда музокаралар юритиши, ҳар қандай шароитда пухта ўйланган қарор қабул қила олиш қўнималарини шакллантиришга доир тавсиялар берилди.

Анатолий КЕЧИН

**КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Сергели туман ҳокимлигида “Ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишда жамоатчиликнинг ўрни” мавзусида ёшлар тарбиясига масъул бўлган мутасаддилар иштирокида амалий семинар ўтказилди.**

Унда бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақо олдини олиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда соҳадаги амалий ишлар таҳлил қилиниб, мутасаддилар томонидан йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳамда эришилган натижалар ҳақида маълумот берилди.

Келгусида ижобий натижаларни қўлга киритишга қаратилган устувор чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Шунингдек, муҳомадада ёшлар сиёсати масаласида уларнинг сиёсий саовдонлигини ошириш бўйича инновацион лойиҳалар тўғрисида масъуллар ўртасида муҳим келишувга эришилди.

Зарина РУСТАМОВА

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОМЛАР**

**“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошлангич нархи босқичта-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этди!**

2019 йил 6 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар Олмазор филиалининг 31.03.2019 йилдаги 119-сонли бюртномаасига асосан банк тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/3-мавзеси, 11-уй манзилда жойлашган умумий майдони 124 кв.м. бўлган 339-сонли коммунал касса бошлангич нархи 301 000 000 сўм миқдорда қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 6 май куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2019 йил 21 май ва 6 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошлангич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖнинг АТ “Халқbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш ондун тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбoл кўчаси, 34 уй.

Тел: (99871) 236-25-53. www.capitaltrust.uz  
Лицензия АР – 0298

**ДАСТУРУЛАМАЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА**

**Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, ёш истеъдод эгаларини иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Маданият вазириликда ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани жорий йилнинг 20 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг “Маданият ва санъат фидокори” кўчрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги ҳамда “Халқ чогувлари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” ва

Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловларини ўтказиш тўғрисида”ги қарорларнинг ижросига бағишланди.

Маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари бу

борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида ва юқоридаги кўрик-танловларнинг мазмун-моҳияти, ўтказилиш жараёнилари хусусида сўз юритишди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида қўл жанги бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси ва бир қатор ташкилотчилар томонидан ташкил этилган чемпионатда 500 нафардан ортиқ спортчи терма жамоа таркибига кириш учун ўзаро баҳслашди.

Ўзбекистон терма жамоасини маҳоратли спортчилар билан тўлдирish мақсадида ташкил этилган мусобақада финал жанглири кескин ва мурасасиз ўтди. Олимжон Рустамов, Мухаммадали Раҳмонов, Мирношхў Муродов, Жобирбек Нажмиддинов, Бунёд Фуломов, Мирзоалим Раҳматуллоев, Мухаммадазиз Абдумуталипов, Афзалбек Абдураимов, Абдурахмон Турсунов ўсмирлар ўртасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ёшлар ўртасида эса Алимрзо Кенжаев, Хусниддин Сатторов, Дўст Исмоилов, Аббос Кодиров, Асадбек Хикматов, Улуғбек Низомиддинов, Раҳматжон Каримов, Сардор Сатторкулов, Элдор Худойбердиев Ўзбекистон чемпионига айланди.

Ёшлар ўртасида эса Алимрзо Кенжаев, Хусниддин Сатторов, Дўст Исмоилов, Аббос Кодиров, Асадбек Хикматов, Улуғбек Низомиддинов, Раҳматжон Каримов, Сардор Сатторкулов, Элдор Худойбердиев Ўзбекистон чемпионига айланди.

Ж.ТОШХҲАЕВ



МУСОБАҚА ФОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Юртимизда ёшларга спортнинг турли йўналишларида ўз маҳоратларини кўрсатиши, маънан ва жисмонан соғлом бўлиши учун барча шароитлар яратилган.

Келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда юрт учун муносиб мутахассис бўлиб етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сергели туманидаги 317-мактабда Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ўқув спорт техника клуби" унитар корхонаси томонидан спортнинг авиамодель тури бўйича 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида лайлак, варрак, коробкасимон, паррак йўналишлари бўйича "Лайлак ва Варрак" мусобақаси ўтказилди.

Ўринбосари Хуршида Базаорова. — Ушбу спорт тури 2500 йил аввал яратилган бўлиб, ҳарбий қўшинлар орасидаги ўзаро алоқа воситаси сифатида қўлланилган. Мазкур мусобақа кизгин тарзда ўтди. Ҳар бир иштирокчи голибликни қўлга киритишни мақсад қилгани яққол намойён бўлди. Ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келаятган бу ёшлар келажакда юртимизнинг авиамодель соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб, яхши мутахассис бўлиб етишишларига умид қилиб қоламиз.

— Мен бу спорт тури билан икки йилдан бери шуғулланаман, — дейди иштирокчилардан бири Карина Кассирова. — Бугунги мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганман, лекин рақобат кучли. Бу каби мусобақалар спорт билан янада кўпроқ шуғулланиш ва мақсад сари интилишда ёрдам беради.

Мусобақа давомида "Лайлак ва Варрак"нинг турли йўналишлари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган Карина Кассирова, Абдумансур Қобулов, Александр Дирик, Камила Гизатуллина, Мария Талабаева каби ўқувчилар диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

САЙЛДА ВИЛОЯТЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ АКС ЭТДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар!" шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.

Унда ёш олим ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, рассомлар, спортчилар, иходкор ёшлар, ўқувчи-талабалар, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ёшлар иштирокида миллий анъана ва урф-одатлар асосида халқ ўйинлари, марафон ва турли танловлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳрининг 11 туманида юртимизнинг барча ҳудудларига хос анъаналар, таомлар, рақслар, кўрсатилди. Мусобақа тарзида кечган сайлда Қашқадарё вилояти номидан чиққан Сергели тумани 1-ўринни эгаллади. Қорақалпоғистон вилоятини "жонлангирган" Юнусобод тумани 2-ўрин эгаси деб топилди. 3-ўринни Чилонзор тумани вакиллик қилган Сурхондарё йигит-қизлари олди.

Шунингдек, "Энг яхши ош" кўригида Миробод тумани (Сирдарё), Жиззах вилоятлари), "Энг яхши миллий рақс"да Яшнобод тумани (Наманган вилояти), "Энг яхши саҳна кўриниши"да Учтепа тумани (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти), "Энг яхши дастурхон"да Шайхонтоҳур тумани (Хоразм вилояти), "Энг яхши тарихий сиймо"да Бектемир тумани (Анджон вилояти), "Энг яхши миллий либослар"да Мирзо Улуғбек тумани (Самарқанд вилояти), "Энг яхши миллий қадрият"да Олмазор тумани (Бухоро, Навоий вилоятлари) ва "Энг яхши миллий халқ ўйинлари"да Яккасарой тумани (Фарғона вилояти) голиб бўлди.

(ЎЗА)

ЯНГИ ТИЗИМ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАБУЗАРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан синов тарихида бекат қондаларини бузишни автоматик қайд этиш тизими ишга туширилди, дея хабар беради ЎЗА.

Синовда бешта патруль автомобиллари иштирок этади. Уларга замонавий ускуна ва дастурий таъминот ўрнатилди. Хусусан, уларнинг олд ойналарига 58 та мамлакатнинг давлат рақамини аниқлаш имконини берувчи камералар ўрнатилди. Улар "Тўхташ тақиқланган" (3.27) йўл белгисини эътиборга олмаган ҳайдовчиларни қайд этиб боради. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, 3.27 белгиси остида бекат қондаларини бузган автомобиль соҳибидан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорда жарима ундирилади.

Тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида синовда иштирок этадиган патруль автомобиллари битта ҳудуддан беш дақиқа фарқ билан икки марта ўтиб кетади. Ҳар сафар рухсат этилмаган жойда тўхтаган автомобил рақами қайд этиб борилади. Айни пайтда камера объективига икки марта тушиб қолган шахсина қондабузар ҳисобланади. Яъни пиддани ўтказиб юбориш учун тўхташага мажбур бўлган автомобиль йўл ҳаракати қондасини бузмайди. Бундан ташқари, тизим авария тўхташ ҳолатини ҳам ҳисобга олади, шу боис носозлик туфайли тўхтаган автомобиль қондабузарлар базасига киритилмайди.

Тизимнинг барча иши тўлиқ автоматлаштирилган, инсон омилнинг таъсири деярли йўқ. Қондабузарларга доир маълумотлар онлайн-режимда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг компьютер тизимига келиб тушади, йўл ҳаракати қондасини бузганликни тасдиқловчи ҳужжат эса ҳайдовчининг уйига хат шаклида юборилади. Бу пойтахт ҳайдовчиларининг автомобилни бошқариш маданиятини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда тажрибада иштирок этаётган автомобиллар асосан бозорлар ва автобус бекатлари ёнидаги қондабузарликларни қайд этиб бормоқда.

Роман БОНДАРЧУК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "NUR HOLDING" қўшма корхонаси (СТИР 305294295) таъсисчиларнинг 10- ва 11-сонли умумий йиғилишига асосан "NDDJL-KOMBIKORM" масъулияти чекланган жамиятига айланганини ва устав капитали камайганини маълум қилади, шунингдек, ушбу қўшма корхонанинг ҳуқуқий вориши ҳисобланади.

"XALQ SUG'URTA" МҲЖ СК томонидан "МАДИНАБОНУ-ФЗ" КТИЧФ номига берилган 0103147-сонли полис бланки йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва жамоаси "Энергетика факультети" декани ўринбосари Шухрат Исмаилович Дўнғобоевга отаси Исмаил Ялғашевич Дўнғобоевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзоҳ этади.

Нозимахон НУРМАТОВА

Билиб қўйган яхши

АБИТУРИЕНТ УЧУН БЕШ МАСЛАҲАТ

Талабалик бахтига эришиш қанчалик қийин эканлигини бир марта абитуриент бўлган одам тушунади. Давлат имтиҳонларидан ўтиш, керакли балл тўплаш осон иш эмас. Талабалик сўзи ортида қанча машаққат, қийинчилик, куч, сабр-тоқат деб аталмиш тушунчалар ётади. "Илм олиш, игна билан қудуқ қазиш билан тенгдир", дейди доно халқимиз.

Шу кунларда олийгоҳларга ҳужжат топшириб талаба бўлиш истагидаги тенгдошларим қўшимча машғулотлар билан банд. Куну тун ўқиш ўрганишда бўлаётган абитуриентлар кўплаб муаммоларга дуч келиши мумкин. Чунки, билим олиш қийинчиликлари абитуриентни ҳам физиологик, ҳам руҳан ҳам маънан толиқтиради. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик вақтида катта ахборотни қабул қилишга тўғри келади. Бунинг натижасида ўқишга бўлган иштиёқ сусаяди, мия ва организмининг зўриқиши туфайли дам олишга бўлган эҳтиёж ортади. Бу толиқишлар ички ҳиссиётларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, абитуриентнинг ўзига бўлган ишончини камайтиради. Иродасини заифлаштиради. Ҳаттоки, мақсадидан воз кечишга ҳам ундайди. Бундай иродасизликни энгиш мақсадида кўплаб олимлар, шифокорлар ва психологлар ўзларининг энг фойдали тавсияларини ва ўқининг энгил усулларини абитуриентларга тақдим этишган. Куйида энг фойдали, самараси юқори бўлган беш маслаҳат билан танишамиз.

оралиғида тамадди қилиш, кўп суюқлик ичиш ҳар қандай касалликларнинг олдини олади ва кишига куч бағишлайди.

Учинчиси, психологнинг таъкидига кўра, тайёргарлик вақтида қийналиб қолмаслик учун таънафус қилиб туриш ҳам керак. Ҳар 40 дақиқада 10-15 дақиқа дам олиш, тинимсиз 8 соат ўқигандан фойдалирок. Сабаби толиққан организм ҳеч қандай ахборотни қабул қилмайди.

Тўртинчиси, ўқилган адабиётларни ёддан чиқармаслик учун доимо такрорлаб туриш керак, дастлаб, мавзунини ўқигандан сўнг 15-20 дақиқадан кейин яна бир эсга олиш. 7-8 соатдан сўнг кўздан кечириб, бир суткадан кейин ойнага қараб бутун мавзунини овоз чиқариб гапириш энг самарали йўлдир. Ҳар такрорлашда диққат қаратиб, уларни ўзингиз таҳлил қилсангиз, ўқилган барча маълумотлар хотирага муҳрланади.

Бешинчиси, доимо битта машғулот билан банд бўлиш, кишини зериктириб, унга бўлган қизиқишни сусайтиради. Шу сабабли дарсдан сўнг сайр қилиш, бироз спорт билан шуғулланиш тавсия этилади. Машғулотлар турини алмаштириб туриш мияни тез чарчадан ҳалос этади, ўқиш учун янги кучларни тўплашга ёрдам беради. Жадваллар ва диаграммалар билан ишлаш абитуриент учун жуда фойдали. Бундай ҳолатда тайёрланган маълумот мияда осон эсда қолади. Уларни абитуриентларнинг ўзи тайёрласа янада яхши.

Ватерлеоо университети (Канада) олимларининг таъкидлашича, чизиш эслаб қилишнинг энг самарали усулидир. Визуал "шпаргалка"ларни яратиш учун рангли фломастер ва ручкадан фойдаланиш, улар ёрдамида энг муҳим маълумотларни белгилаб қўйиш яна бир фойдали усулдор. Шу боис вақтни ганимат билиб, билимларимизни оширишдаги маслаҳатларга амал қилсак фойдадан холи бўлмайди.

Тошкент оқшомли

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2142 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

3-ОЗ ЎРГАНИЧ ДОМО БИГУР

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Ақли киши бировнинг вақтини ҳурмат қилади.

Бошқаларнинг олдида бевурд бўлишдан ёмони йўқ.

Ўзи азалдан шу: имконияти йўқ имконият қидиради, имконияти бор қадрига етмайди.

Ўзини чеклаган ютади.

Сон кетидан қувган сифатдан ютқизади.

Ёмонга ён берсанг, бошингга чиқади.

Ҳасад — инсон вужудига тушган қурт.

Бировнинг касрига қолишдан ҳам аламли нарса йўқ.

Истеъдоднинг қушандаси кўп бўлади.

Ёмон аввало ўзининг душмани.

Ёмонлик умрбод кўнгилдан чиқмайди.

Тўхматнинг умри қисқа, лекин тўхматга йўлиққанининг умри ундан ҳам қисқа бўлиши мумкин.

Ҳавас — гул, ҳасад — ўт.

Ҳасад ўти аввало ҳасадгўйнинг ўзини куйдиради.

Ўзини кўрсатишга ўчлик — инсоннинг энг ёмон хусусияти.

Ақли деб аташларини ҳамма хоҳлайди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.05.2016 йилда № 009439-04 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "UNIFIN CONSULT" МҲЖ (СТИР 206776228) таъсисчиларнинг 2.04.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида М.Улуғбек тумани, Бўзбозор 7-тўқаси, 21-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99890 329-79-97.

Тошкент шаҳри Учтепа тумани 116-мактаб томонидан 2011 йилда Бобоқулов Аббор Али ўғли номига берилган UN№5189892 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ 17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 17-15, кундузи — 18-20 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 3 апрель кун ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ бўлади. Шарқдан гарба йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10, кучайган ҳолда 12-

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй